

Мискин иффатини сақлайдигандир | Тазкия дарслари (321-дарс)



19:00 / 21 марта 542

????????????????????? ?????????????????? ??????????????:
«????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????????:
????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????????
????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????????
????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????».

Термизий, Насойй ва Ҳокимнинг ривоятларида:

«Уч кишига ёрдам бериш Аллоҳ учун ҳақдир: адo этишни ирода қилган мукотабга, иффатни ирода қилиб, никоҳга уринганга ва Аллоҳнинг йўлидаги мужоҳидга», дейилган.

Хаётда доимо инсонларнинг бир-бирларининг ёрдамларига эҳтиёжлари тушиб туради. Кўпчилик турли ишларда ёрдам сўраши мумкин. Лекин ёрдам берувчи қайси хилдаги ишларга ёрдам бериши кўпроқ матлуб, қайси хил кишиларга ёрдам берса, кўпроқ савоб олади?

«...иффатни ирода қилиб, никоҳга уринганга».

Ўз иффатимни сақлайн, жинсий майлимни ҳалол-пок йўл – никоҳ йўли билан қондираин, деб уринаётган шахсга ёрдам бериш ҳам, худди қулликдан озод бўлишга ҳаракат қилаётган одамга ёки кейин баёни келадиган, жиҳодга чиқишга ҳаракат қилаётган одамга ёрдам беришдек керакли ва савобли ишдир.

Уйланиб, никоҳли бўлиб, иффатини сақлашга ҳаракат қилаётган, аммо етиша олмай турган кишига қўлидан келган ёрдамни бериш ҳар бир мўмин-мусулмон учун зарур бир ишдир. Кимdir сўзи билан, кимdir хизмати билан, кимdir мол-дунёси билан ёрдам бериши керак. Бу жуда ҳам улуғ савобга молик ишдир.

Мусулмонлар қадимдан бу ишда фаол бўлиб, бошқа халқлардан ажralиб туришган. Оила қуришга уринмаганларни оила қуришга ундашган, оила қуришга уринганларга эса қўлларидан келган ёрдамларни беришган.

Бу ишни худди мана шу ҳадисга амал этган ҳолда қилишган. Ҳозирги мусулмонлар ҳам бу ишда ўз ихлослари ва ғайратларини кўрсатишлари лозим.

Баъзи юртларда бу иш баъзи мусулмонларнинг шахсий ишлари тариқасида амалга ошаётган бўлса, бошқаларида оила қурувчиларга ёрдам бериш жамиятлари ҳам тузилган. Нима қилиб бўлса ҳам, бу ишни қилган маъқул ва қилиш зарур. Бу билан буюк ажру савобга эга бўлинади.

???? ???? ?????:

????? ??? ??????? ?????? ?????? ?????? ?????? ????????

?????????: «????????? ?????????? ??????????????

????????????? ??? ???????? ?????????? ??????».

????????? ??????????????????.

Абу Толҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Қавмингга салом айт! Мен уларни албатта, иффатлилар ва сабрлилар деб биламан», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

???? ???? ???? ?????????? ?????? ???? ???? ???? ???? ?????

????????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????:

«?????? ???? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????????? ??????

????????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

?????????????. ?????????? ??? ?????????? ? ? ? ? ? ? ? ».

????????? ??????????????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир хурмо, икки хурмо ёки бир луқма, икки луқма олиб қайтадиган мискин эмас. Мискин - иффатини сақлайдигандир. Агар

хоҳласангиз, «Одамлардан хирадик қилиб сўрамаслар»ни қироат қилинглар», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

????? ?????? ???????????? ?????? ?????? ??????? ?????
????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ?????:
«????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????
?????????: ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????
????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ??????
?????????».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менга жаннатга энг аввал кирадиган учтаси арз қилинди: шаҳид; иффатли бўлиб иффатини сақлаган; Аллоҳнинг ибодатини яхши қилган ва мавлоларига насиҳат қилган банд», - дедилар».

Термизий ривоят қилган.

????? ??????? ?????? ?????? ?????? ?????? ????????

????????????? ??????? ?????? ??????????? ???????????

????????? ???? ??????????: «????????????? ???????
????????????? ?????????? ?????????????? ??????????????
?????????????».

Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ҳидоятни, тақвони, иффатни ва
бекожатликни сўрайман», дер эдилар».**

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14
апрелдаги 03-07/2439-рақамли хulosasi асосида чоп этилган.